
Байрам арафасида бемор болажонлар ҳолидан хабар олинди

Қиш беғубор ва орзу-умидлар фаслидир. Ана шундай пок ҳис-туйғулар ҳар бир қалбни шубҳасиз, ширин ва тотли лаҳзаларга ошно этади. Ушбу фаслнинг кўркли байрами – Янги йил эса болаларга олам-олам қувонч, катталарга ёшлик сурурини бағишлайди. Туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов бошчилигида бир гуруҳ расмийлар туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, бемор болажонлар ҳолидан хабар олдилар.

Терапия ва болалар бўлимида даволанаётган беморлар билан учрашиб, уларга соғлик тилаш асносида кириб келаётган янги йил билан табриклар, болажонларга байрам совғалари улашилди.

Янги йил байрами муносабати билан ташкил қилинган саховат тадбирлари кўнгилларга қувонч, юзларга табассум улашишда давом этмоқда.

2023-12-29 19:57:19